

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ИСОҲОТЛАР МАЗМУНИ ТАҲЛИЛИ

Усманов Уткур Бахронкулович,
Тошкент Амалий фанлар университети тадқиқотчиси

Аннотация: мақолада кейинги йилларда маънавий-маърифий соҳани ривожлантириши бўйича олиб борилаётган ислохотлар мазмунидан келиб чиқувчи таълим муассасаларида ўқувчи/талабаларда маънавий иммунитетни ривожлантириши, мазкур соҳада маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиши тизимини такомиллаштиришига доир вазифа ва ёндашувлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таълим, маънавий-маърифий ишлар, бағрикенглик, шахсий намуна, эзгулик, инсонпарварлик, узвийлик, ҳамкорлик, маънавий иммунитет

АНАЛИЗ СОДЕРЖАНИЯ УПОМИНАНИЙ ОБ ОРГАНИЗАЦИИ ДУХОВНО-ПРОСВЕ- ТИТЕЛЬСКОЙ РАБОТЫ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Усманов Уткур Бахронкулович,
научный сотрудник Ташкентского университета прикладных наук

Аннотация: в статье отражены задачи и подходы к совершенствованию системы развития духовно-нравственной воспитательной работы в этой сфере, развитию духовного иммунитета у учащихся/воспитанниц образовательных учреждений, вытекающие из содержания реформ, проводимых в развитии духовно-образовательной сферы в последующие годы.

Ключевые слова: образование, духовно-просветительская работа, толерантность, личный пример, доброта, человечность, преемственность, сотрудничество, духовный иммунитет

ANALYSIS OF THE CONTENT OF REFERENCES TO THE ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Utkur Bahronkulovich Usmanov,
Researcher at Tashkent University of Applied

Abstract: the article reflects the tasks and approaches to improving the system of development of spiritual and moral educational work in this area, the development of spiritual immunity among students/pupils of educational institutions, arising from the content of the reforms carried out in the development of the spiritual and educational sphere in subsequent years.

Keywords: education, spiritual and educational work, tolerance, personal example, kindness, humanity, continuity, cooperation, spiritual immunity

Кириш. Маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш кўзланган мақсад сари олиб борувчи асосий восита ҳисобланади. Инсон маънавий жиҳатдан бойиб бўлмагунига қадар у моддий ва бошқа томонлама етукликка эриш олмайди. Маънавий баркамол инсонгина оиласига, жамиятга ҳамда давлатга хизмат қила олади. Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотлар, сиёсий ёндашувлар янги босқичга кўтарилмоқда. Президент томонидан 2021 йил 26 март кунини имзолаган «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5040-сон қарори бу борада қилинадиган энг муҳим вазифаларни белгилаб берган эди.

Унда, жумладан, қуйидагилар маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

- эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;
- оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;
- аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоя-

вий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

- геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

- эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар .

Шунингдек, ҳар бир умумтаълим муассасасида жорий этилган ижтимоий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимининг жорий этилиши ҳам бу борадаги ишларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида, талабалар сонидан қатъи назар, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозими жорий этилди. Бунда, олий таълим муассасаларида мавжуд ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозими қисқартирилди.

Худудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбида маънавий фазилатларни юксалтириш, оила ва маҳаллаларда ҳамжихатликни мустаҳкамлаш мақсадида барча туман ва шаҳарларда «Маънавият ва маърифат маскани» ташкил этилди.

Энг муҳими 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимининг тегишли таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалаврият босқичида –«Маънавиятшунослик»; магистратура босқичида – «Касбий маънавият» фанлар киритилди. Бу таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни янада ривожлантириш имконини беради.

Қарор мазмунида тўғри таъкидлангани каби, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигига тўсик бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

М.Қуроновиқнинг таъкидлашича, Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар муайян тамойилларга таянгандагина ўз самарасини беради. Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини белгиловчи асосий тамойиллар сирасига:



Шунингдек, талабаларнинг бўлажак касбий хусусиятларини инобатга олиш; узвийлик каби-ларга алоҳида эътибор қарайтш лозим .

М.Белова назарий хулосалар ва амалий тажрибани умумлаштирган ҳолда, олий таълим муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари орасидаги маънавий-тарбиявий ҳамкорликнинг тўрт-

та даражаси мавжудлигини таъкидлайди :

1. Ижтимоий-сиёсий зарурат даражаси.
2. Бошқарув даражаси.
3. Функционал даража.
4. Шахс даражаси.

Кенг маънодаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий фаолият бутун жамиятда давлат раҳбари – Президент ҳомийлигида радио, телевидение, маҳалла, жамоатчилик ташкилотлари, сиёсий партиялар, Республика маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларни ўз ичига олади. Ўқув муассасасида ташкил килинувчи ва амалга оширилувчи маънавий-маърифий ишлар ижтимоий маънода хусусийлик касб этади. Чунки бу фаолият давлат муассасаси жамоа хусусиятидан келиб чиқиб бошқарилувчи, узоқ давом этувчи жараёни ҳосил қилади.

Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш энг асосий вазифалардан биридир.

Узлуксиз таълим тизимида қуйидагиларни маънавий-маърифий ишлар тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаш мумкин:

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Натижа
1.	оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;	Ҳамкорлик ўрнатилади, муаммоларни аниқлаш осонлашади.
2.	эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик, коррупция, оилавий кадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;	Мазкур иллатлар ҳақида таълим олувчиларга намунали шахслар мисолида тушунтириш ишлари олиб борилади. Масъулиятсизликнинг оқибатлари реал ҳаётин мисолларда тушунтирилади.
3.	аҳолининг хусусан, таълим олувчиларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;	Интернетдан фойдаланиш маданияти шаклланади.
4.	ўқувчи/талабаларда маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг устуворлигига эришиш;	Миллий кадриятларга ҳурмат, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари ривожлантирилади.
5.	ўқувчи/талабаларни геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, кашандаликка ўргатиш ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали иммунитет ҳосил қилиш ҳамда бу борада таълим муассасаларининг соҳа мутахассислари билан ҳамкорлигини янги bosқичга кўтариш.	Лоқайдликни олдини олиш, ўз тақдирига бефарқ бўлмаслик, бошқаларни хавфдан огоҳлантириш, сиёсий хушёрликка ўргатиш кабиларга эришлади.
6.	маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда илмий-тадқиқот натижаларига таяниш, кейинги bosқичларда илмий асосланган ёндашувлардан самарали фойдаланиш масаласи	Маънавий-маърифий соҳада тизимли, ишончли ва самарали фаолият олиб боришни таъминлайди.

Айниқса, маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда илмий-тадқиқот натижаларига таяниш, кейинги босқичларда илмий асосланган ёндашувлардан самарали фойдаланиш масаласи долзарб вазифалардан биридир.

Бунда, маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан тарғибот технологиялари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш; маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга доир хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш; мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими, маҳалла ва бошқа тузилмалар кесимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш; маънавий тарбия ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, уларнинг натижалари амалиётга татбиқ қилинишини мувофиқлаштириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таълим ташкилотларида ўқувчи/талабалар ёшига мос бўлган ташвиқот дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, айниқса, талаба-ёшларни ислом дини ва фалсафасига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш; ўқувчи/талабаларга геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўргатиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, кашандаликка ўргатиш ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали иммунитет ҳосил қилиш ҳамда бу борада таълим муассасаларининг соҳа мутахассислари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни интерфаол усулларда амалга ошириш зарурати юзага келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 5040-сонли қарори. 2021 йил 26 мартдаги <https://uza.uz/uz/>
2. Куронов М. Миллий тарбия. – Т.: «Маънавият», 2007. -231-б.
3. Белова М. Система взаимодействия воспитательных факторов. - М.: «Педагогика», 2007. -С. 103.
4. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. –Тошкент: Шарқ, 1996. 78-б.
5. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.– Тошкент: Шарқ, 2001. 56-б.